Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 10 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 70 (6966)

Da'vat

Ота-оналарнинг ўзлари ўз фарзандлари билан муомала қилиш усулларини ўрганишлари, ўз паноҳларидаги болалари доно ва хушмуомала бўлиб етишишлари ғамини ейишлари лозим.

Ян Амос КАЛИНСКИЙ, чех педагоги.

Ibrat

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ходимлари вилоятларда бўлиб, кам таъминланган оилалардан 27 нафар иқтидорли ўқувчини йиғиб, олий ўқув юртларига кириш учун бепул тайёрладилар. Уларнинг 21 нафари талаба бўлишди.

Президент Ислом Каримовнинг теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилаётган тўртинчи халқаро мусобақанинг тантанали очилиш марсосимида сўзлаган нутқи

Хонимлар ва жаноблар (хитоб).

Муҳтарам меҳмонлар (хитоб).

Азиз дўстлар (хитоб). Бугун бу ерда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилаётган мусобақанинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларини табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун мусобақа ўтказила бошлангани, айтиш мумкинки, катта теннис тараққиётининг янгича ривож топа бошлаганидан бери атиги тўрт йил ўтди.

Мана шундай қисқа муддат ичида спортнинг бу жозибали ва гўзал тури Ўзбекистон аҳолиси, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида энг оммавий ва севимли машғулотлардан бирига айланиб қолди.

Тошкент эса, ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги теннис яхши ривожланган, спортчилар ва катта теннис мухлисларининг диққатини тортадиган нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилиб туриладиган марказлардан бирига айланди.

Мазкур мусобақа бунинг яққол исботидир.

Менинг мазкур мусобақа ташкилотчилари - энг аввало, қадрдонимиз, синалган дўстимиз, мана шундай мусобақаларни уюштириш борасида ниҳоятда кўп хизмати синган жаноб Сассон Какшурига чуқур миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Мен, шунингдек, Президент Кубоги учун ўтказилаётган мусобақа директори жаноб Ян Форман ҳамда мусобақанинг бош ҳаками жаноб Дани Галини ҳам муборакбод этаман.

Мен турли мамлакат ва минтақалардан диёримизга ташриф буюрган барча мусобақа иштирокчиларига миннатдорлик изҳор этаман. Мусобақа иштирокчилари орасида ўзларининг ажойиб ғалабалари билан спортнинг бу гўзал тури - теннисда жаҳонга донғи кетган атоқли спортчиларни муборакбод этишдан мамнунман. Россиялик Евгений Кафелниковни, Буюк Британиялик Тим Хенменни, швейцариялик Марк Россени, испаниялик Хавьер Санчесни, марокашлик Хисом Оразийни, германиялик Николас Тиферни, АҚШлик Винсент Спадени муборакбод этаман. Шунингдек, ўзларининг чиройли ва мазмунли ўйинлари билан бизни, шубҳасиз, хурсанд этадиган барча номдор мусобақа иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон Президенти Кубоги мусобақасига бу даражада юқори мақом бериб, унга янада ўзгача жозиба ва нуфуз бахш этгани учун Профессионал теннисчилар уюшмасига /Ай-Ти-Пи/ самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. Барча тошкентликлар ва Ўзбекистон аҳолиси номидан мана шундай ажойиб Теннис саройини бунёд этган меъморлар, қурувчилар ҳамда бундай гўзал иншоотни бунёд этишда фидокорона меҳнати сингган ҳар бир кишига миннатдорлик изҳор этаман. Бу сарой спортчилар ҳамда миллионлаб спорт мухлисларига жуда кўп хурсандлик ва мамнуният бахш этишига шубҳа йўқ.

Барчангизни мазкур ажойиб спорт байрами билан табриклайман.

Сизларни бугун чеҳрангизда балқ уриб турган мамнуният, хурсандлик туйғуси ҳеч қачон тарк этмасин (хитоб).

Барчангизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман, азиз дўстлар (хитоб).

Энди эса, мана шу залда ҳозир бўлганлардан мусобақанинг барча иштирокчиларини тик туриб қутлаш ҳамда уларга сиҳат-саломатлик ва мусобақада муваффақият тилашни илтимос қилган бўлардим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун тўртинчи марта ўтказилаётган мусобақани очиқ деб эълон қиламан (хитоб).



ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мамлакатимиз мактабларида 1-синф ўқувчиларига Президент совғаларини тақдим этиш давом этмоқда. Тошкент шаҳридаги 80-ўрта мактабда ҳам 38 нафар 1-синф ўқувчисига Президент совғалари топширилди. Бу кун болажонларнинг бир умрга эсда қоладиган қувончли кунига айланди.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИР БАЙРАМ — ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ

Кеча «Юнусобод» спорт мажмуасида теннис бўйича Президент кубоги халқаро мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Маълумки, бундан бир неча йил олдин катта теннис ҳақида сўз кетганда кўпчиликнинг энсаси қотарди. Ҳатто спорт мураббийлари ҳам Ўзбекистонда бу спорт турининг шиддат билан ривожланиб кетишига шубҳа билан қарашган. Сир эмас, мамлакатимизда биронта спорт тури теннис каби тез оммалашмаган. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизнинг қатор вилоят, туман марказларида янгидан-янги теннис кортларини барпо этиш ишлари давом этаяпти. Хусусан, пойтахтимиздаги «Чорсу» меҳмонхонаси ёнида, Қарши шаҳри марказида жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган теннис иншоотлари қад ростламоқдаки, улар қурилиш ансамбли жиҳатидан ҳозирда республикамизда мавжуд бўлган теннис мажмуаларидан тубдан фарқ қилади. Албатта, бу спорт иншоотлари хўжакўрсинга ёки қайсидир халқаро теннис ташкилотларининг раҳбарлари эътиборини қозониш учун қурилаётгани йўқ. Мамлакатимиз Президенти таъбири билан айтганда, улар инсон манфаатлари учун, юртимизда теннисниг янада оммалашуви ва шу орқали ҳар бир хонадонга соғлом турмуш тарзини олиб кириш учун хизмат қилиши керак. Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратлидир.

«Президент кубоги» баҳсларига тўхталишдан олдин катта теннисниг тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни лозим деб топдик. Ҳозирда мавжуд бўлган теннисниг илк куртаклари Франсияда юзага келганлигини ва дастлаб бу спорт тури билан роҳиблар шуғулланганлигининг шоҳиди бўламиз. Унинг номи «Lejeude paume» бўлиб, «Кафт ёрдамида бажариладиган машғулот» маъносини беради. Чунки у пайтда ракеткалар бўлмай, тўпни кафтлар билан уриб, ўйинга киритишган. XVI асрга келиб эса теннис роҳиблар ўйинидан қироллларнинг, шаҳзодаю маликаларнинг севимли машғулотларига айланди. Ҳаттоки XVI асрда Франгистон ва Буюк Британия қироллари теннис билан оддий халқнинг шуғулланишини махсус фармонлар асосида таъқиқлаб қўйишди. Ҳозирги кунда катта теннис оммасининг жами қатламларига ҳам кириб бораётир.

Назаримда, бу назокатли ўйиннинг бошқаларга қараганда қандайдир ички бир жозибаси борки, етти яшардан етмиш яшаргача бўлган кишиларни ўзига оҳанрабодек чорлаб келади.

Аслини олганда, халқаро турнирлари доимо мамлакатларнинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини оширишга хизмат қиладиган кўприк вазифасини ўтаб келган. Мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётган «Президент кубоги» ҳам ушбу шарафли ва масъуляитли вазифани бажаришда катта аҳамият касб этади. Эндиликда ушбу спорт турини ўзларининг «касб»лари қилиб олган ўз ишининг усталари пайдо бўла бошлади.

Энди бевосита мавзуга қайтадиган бўлсак, кеча пойтахтимизнинг энг гўзал ва сўлим гўшасида қад ростлаган «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуи кортларида профессионал теннисчилар ўртасида «Президент кубоги» учун IV халқаро турнир бошланди. Ушбу турнирларга бундан тўрт йил аввал асос солинганлигини теннис мухлислари яхши билишади. Демак, «Президент кубоги» анъанага айланиб, давом этади. Албатта, тўртинчи турнир илгаригиларидан фарқ қилади. Унинг мукофот жамғармаси икки ҳисса кўпайиб, совринларнинг умумий миқдори 405 минг АҚШ долларига етди. Якка ҳолда бўладиган учрашувларда ғолиб чиққан теннисчига 58 минг доллар ажратилади ва унинг ҳисобига (профессионал теннисчилар ассоциациясида тўплаган очколарига) 16+0 очко қўшилади. Асосий мусобақаларда қатнашиш учун ўтказиладиган саралаш баҳси иштирокчиларига эса 500 доллардан мукофот берилади. Уларнинг рейтингига 73 очко қўшилади. Шубҳасиз, бу ўсиш кўплаб хорижий теннисчиларни пойтахтимизга чорлайди. Турнирнинг савияси ва нуфузи айнан шу кучлиларга қараб белгиланади. Ҳолбуки, ёз мавсумида бундай мусобақалар ҳафтасига икки-уч жойда ўтказилади. Англия, АҚШ, Франция, Австралия ва бошқа мамлакатлар очиқ чемпионатларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда жаҳоннинг етакчи ракетка усталари йилига миллион-миллион доллар даромад қилишади.

«Президент кубоги» учун бўладиган мусобақаларда фақат профессионаллар ўйини билан чекланилмайди. Бу ерда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам махсус турнир ўтказиш режалаштирилган. Аслини олганда бу янгилик эмас. Жаҳон миқёсида ўтадиган барча нуфузли беллашувларда шундай анъана қарор топган.

Шунинг ўзидаёқ маълум-

(Давоми 3-бетда).

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Куни кеча республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Бу тадбирда марказнинг бир йил мобайнида босиб ўтган йўли хусусида марказ раҳбари Неъмат Аминов «Ислоҳотлар жараёни ва маънавият» мавзусида маруза қилди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари «Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг баъзи масалалари», «Миллий маънавият назариясининг шакллланишига доир», «Маънавият «Рахбаршунослик» талқинида», «Қадимий ёзма маънавий қадриятларимиз», «Мактабда маънавият сабоқлари» ва И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан келиб чиқадиган маънавият тарғиботчилари олдида турган вазифалар тўғрисида маърузалар тингладилар.

Бу мавзуларда юридик фанлари доктори, профессор Ҳ. Бобоев, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Гафуров, филология фанлари доктори, профессор М. Имомназаров, педагогика фанлари номзоди М. Қуронов, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Бобобеков, адабиёт ўқитувчиси М. Усмонов, «Маънавият» марказининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари, тарих фанлари доктори У. Носировлар сўзга чиқдилар.

Ушбу тадбирда «Манавият» марказининг вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, жамоатчилик жамғармалари раислари, олимлар ва матбуот ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов қатнашди.

Н. Усмонов.

(3-бетга қаранг).

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВАРАҚЛАРИ

2-БЕТ

МУХТОРХОННИНГ МУХТОР ҚИСМАТИ

2-БЕТ

Hunar

МАКТАБДА ПАХТАЧИЛИК

Наманган туманининг 12 касб-ҳунар мактабида ўзўзини маблағ билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирда зиё масканининг 20 гектар ерида пахтаси, алоҳида ҳисобида эса 1 миллион сўм пули бор. Бу ўқитувчиларнинг маълум бир эҳтиёжларини қондириш, мактабни ҳомийларсиз таъмирлаб олишга катта имкон беради.

Бугунги кунда ўқувчилар бригадасида бўлсангиз, астойдил изланиб қилинган меҳнат самараси салмоқли бўлганлигини кўриб дилингиз яйрайди. Шуниси ҳам қувончлики, улар вилоятда биринчи бўлиб «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишга киришган эдилар. Куни кеча мавжуд 20 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32,5 центнердан жами 64,2 тонна қимматбаҳо хом ашёси топширилиб йиллик режа муваффақиятли уддаланди. Ёш пахтакорлар яна 26 тонна ҳосил етиштириш ишқи билан меҳнат қилишмоқда.

Дилбар ҲАЙДАРОВА.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Президенти ва халқи номига Мустақиллик байрами муносабати билан табриклар келиши давом этмоқда, жумладан, Арманистон Республикаси Президенти Левон Тер-Петросян, Иордания подшоси Ҳусайн, Қувайт давлатининг амири Жобир Ал-Аҳмад Ас-Сабоҳ, Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневски, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Зайд бин Султон Ол-Нахаййан ва бошқа хорижий давлат раҳбарларидан табрик мактублари келди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо раҳбарлигидаги ушбу мамлакат ҳукумати делегацияси ҳамда «Кейзай Доюкай» — япон корпорациялари раҳбарлари уюшмаси Президенти Кончи Минагучи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**
- **Бирлашган тожик кучларининг раҳбари Саид Абдулло Нурий беш йиллик муҳожирликдан сўнг ватанига қайтди, унинг, аввалги келишувга кўра, коалицион ҳукумат ҳақида Президент И. Раҳмонов билан музокаралар олиб бориши кутилмоқда.**
- **Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Афғонистонда бир-бирига қарши турган кучларни Бишкекда тинчлик музокараларини ўтказишга таклиф этди.**
- **Жаҳон банки Грузияга иқтисодиётни ривожлантириш учун 65 миллион доллар-лик кредит ажратди.**
- **Хитой Эрон ва Ироққа курол-яроғ етказиб бераётганлиги тўғрисидаги айрим оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган хабарларни қатъиян рад этди.**
- **2004 йилги Ёзги Олимпия ўйинлари Греция пойтахти — Афинада ўтказиладиган бўлди, бу нуфузли мусобақа мезбони бўлишга Рим, Стокгольм, Буэнос-Айрес, Кейптаун шаҳарлари даъвогар бўлган эди.**

МММ — ХАБАРЛАРИ

СОВҒАЛАРГА БОЙ БАЙРАМ

Мустақиллик байрамида Бекобод туманидаги 4-ўрта мактаб жамоаси учун 320 ўринли янги ўқув биноси топширилди. Янги мактабга, шинам жиҳозланган синфларга илк қадам қўйган 75 нафар жажжиларга эса янада улкан туҳфа — Президент совғалари ҳадя этилди.

МУХБИРИМИЗ.

«40 ЙИЛДА БИР ЭЛ ЕТИШАДИ»

Ушбу нақлнинг ростлигига Амударё туманидаги 2-ўрта мактаб жамоаси яна бир бор амин бўлишди. Бу ерга мактабни бундан қирқ йил аввал битириб чиққан кишилар ташриф буюрдилар. Қаранг, ўшанда битириб чиққан 86 нафар ёш йигит-қизлар бугун болачақа орттиришиб, 2000 нафардан ошиб кетибди.

Собир ЖУМАТОВ.

БУХОРОНИНГ ЯНА БИР ҚИРРАСИ

«Бухоро» нашриёти қадим шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи олдидан 40 нафардан ортиқ маҳаллий қалам аҳлининг ижод намуналарини тўплаб, китоб нашр этди. «Адабий Бухоро» деб номланган мазкур баёз адабиёт ўқитувчиларига ҳам асқотиши, шубҳасиз.

Дилмурод ЖАББОР.

АЪЛО ЎҚИШНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Албатта, ўрганганинг ўзингга фойда. Лекин Элликқалъа туманида яшовчи 10 нафар ўқувчи эса, аъло ўқишнинг яна бир жиҳатидан фойдаланадиган бўлди — эндиликда махсус танлов асосида сараланган бу ўқувчиларга «Камолот» жамғармаси туман бўлими ва «Экосан» жамғармаси маҳаллий фаоллари ҳамкорликда таъсис этган ҳар ойда 500 сўмлик «Камолот» стипендияси берилади.

МУХБИРИМИЗ.

МММ — ХАБАРЛАРИ

Oliy o'quv yurtlarida

НАТИЖАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Университет — маълум соҳалар бўйича таълим берувчи, замонамиз талабларига мос, маънавий жиҳатдан етук, ҳар томонлама ривожланган инсон шахсини тарбияловчи маскан. Бу вазифани босқичма-босқич амалга ошира бориш учун эса бир мақсадга бўйсундирилган, изчил тадбирлар мажмуи муҳим аҳамият касб этади.

Қарши давлат университетида маънавий-маданий ва тарбиявий ишларни йўлга қўйишда масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошилмоқда. Хусусан, университет илмий кенгашида яқин келажакдаги маънавий-маданий ва тарбиявий ишларнинг комплекс режаси ишлаб чиқилди, унда методологик асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарларидаги фикр ва мулоҳазалар олинди. Режага мувофиқ сиёсий ва ҳуқуқий тарбияга фалсафа, социология, ҳуқуқ ва сиёсатшунослик кафедралари, меҳнат тарбиясига иқтисодиёт назарияси кафедраси, ахлоқий тарбияга маданиятшунослик кафедраси, эстетик тарбияга мусиқа ва адабиёт кафедраси, жисмоний тарбияга шу соҳа кафедраси мутасадди қилиб белгиланди. Табиийки, кафедралар ўзларининг бу борадаги фаолиятларини ўз йиғилишларида тасдиқлаган режалар асосида олиб бормоқдалар.

Университетда ўқув биноларини ва талабалар ётоқхоналари бир жойда жойлашган. Бу эса тарбиявий, маънавий тадбирлар узлуксизлигини таъминлашда қўл келмоқда. Маскан профессор ўқитувчилари ўқув биноларида тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, бевосита ётоқхоналарда ҳам муҳим ишларни амалга оширишяпти.

Талабаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тарбиясига, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга, айниқса, катта эътибор берилмоқда. Маълумки, Президентимиз фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий истиқлол ғояларига содиқ этиб тарбиялаш муаммоларига ургу бераяпти. Шу вазифани бажариш мақсадида университетнинг мутасадди кафедралари қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, фалсафа кафедраси томонидан «Маънавият — келажагимиз пойдевори», «Миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Барча факультетларда ҳар сешанба куни ўтказиладиган сиёсий ахборот соатларида ҳуқуқ, ҳуқуқий давлат барпо этиш муаммолари, мустақиллик ва миллий тикланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсон фаолиятининг мазмунини меҳнат ташкил қилади. Шу боисдан ҳам ёш йигит-қизларда меҳнатга ҳалол муносабатни тарбиялаш барча замонларда долзарб муаммолардан бири ҳисобланган. Университетда меҳнат тарбиясини самарали амалга ошириш учун кузги қишлоқ хўжалик ишларида, баҳорги ободонлаштириш тадбирлари давомида талабалар фаолияти мувофиқлаштириб борилмоқда. Вилоят ва университет газеталарида илғор талабалар ҳақида мақолалар эълон қилинди. Бундан ташқари, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунтиришга қаратилган тадбирлар ҳам меҳнат тарбиясининг самарасини оширмоқда.

Шунингдек, жорий йилда ўтказилган «Иқтидорли талабалар конкурси», «Энг яхши тасвирий санъат асарлари танлови», «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танлови талабаларнинг эстетик дидларини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшди.

Тарих факультети ташаббуси билан ўтказилган «Ноёб қўлёзма ва тарихий манбаларни топиш, асраш ва тарғиб этиш муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий анжуман, ўзбек адабиёти кафедраси уюштирган «Зиёли ким?» мавзуидаги мунозара, шунингдек «Ёшларда экологик тарбия ва экологик маданиятни шакллантириш муаммолари» мавзуидаги маънавият дарслари ҳам йигит ва қизлар маънавий ижобий натижаларини берди.

«Соғ танда — соғлом ақл» дейдилар. Талаба соғлигини, жисмоний маданиятини таъминламасдан туриб, унинг маънавиятини ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун университетда бир томондан жисмоний маданиятни тарғиб этувчи тадбирлар уюштирилаётган бўлса, иккинчи томондан талабаларнинг турли спорт тўгаракларида (гимнастика, футбол, қўл тўпи, қураш ва ҳоказо) малакали мутахассислар раҳбарлигида шуғулланиши таъминланаётир. Университет талабаларидан бир нечтаси Ўзбекистон Республикаси чемпиони, Олимпиада ўйинлари қатнашчиси, халқаро турнирлар иштирокчиси бўлгани ҳам бежиз эмас. Бу борадаги ишлар самараси талабаларни профилакторийларда соғломлаштиришга ҳам боғлиқ, албатта. Дарвоқе, кейинги йилда 447 талаба университет қошидаги санаторий-профилакторийда, 335 талаба «Роҳат» соғломлаштириш оромгоҳида, 49 талаба Яккабоғ дам олиш уйида ҳордиқ чиқардилар. Бунинг учун эса талабаларга касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 91 минг 550 сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Ўқув юртида бу борадаги фаолиятга нуқта қўйилган эмас. Бугунги кунда 300 ўринли маънавият ва маърифат саройи таъмирланмоқда. Буюк мутафаккирлар хиёбони ташкил этилаётир, маънавият бўйича услубий хона тайёрланаяпти. Университет олимлари эса мазкур соҳага доир комплекс режани такомиллаштириш мақсадида иш олиб бормоқдалар. Демак, эришажак ютуқлар ҳали олдинда.

Н. ҲАКИМОВ,
Қарши давлат университетининг ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВАРАҚЛАРИ

THE PAGES OF THE NEW UZBEKISTAN'S HISTORY

СТРАНИЦЫ ИСТОРИИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВАРАҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари» номли янги фундаментал асарига бағишлаб чиқарилган рангли катта форматли альбом ана шундай деб аталади. Мазкур альбом ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган.

Мустақил Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати бош йўналишлари ва тамойилларини ихчам шаклда очиб берувчи кенг ахборотларга, ранг-баранг суратларга, расм ва жадвалларга, рақамларга бой бўлган бу нашр мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганувчи, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, хавфсизлиги, тинчлиги ва ҳамкорлигига ўз ҳиссасини қўшишга интилувчи талаба-ёшларга мўлжалланган. Альбом, шу билан бирга, янги аср арафасида республикамиз бугунги куни ва эртанги истиқболи билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммасида ҳам катта таассурот қолдириши, шубҳасиздир.

Альбом ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир бўлими мамлакатнинг умумий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва ҳамкорлик алоқалари, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг асосий масалаларига бағишланган.

Бир қисм мавзулар мажмуасида республиканинг сиёсий-ижтимоий тузилиши ҳақида сўз юритилади. Альбомнинг илк бўлими эса мамлакат мустақиллиги, хавфсизлиги, ундаги демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафили бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятига бағишланган. Бу ердан ўрин олган материаллар ва суратли лавҳалар ўқувчиларни Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таржимаи ҳоли, унинг давлат бошлиғи сифатидаги кенг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларида белгиланган Президент ваколатлари билан таништиради. Президент И. А. Каримовнинг раҳбарларнинг халқ олдидаги масъулияти ҳақида айтган фикрлари, чет эл давлатлари арбобларининг Ўзбекистон ва унинг йўлбошчиси тўғрисида билдирган мулоҳазалари келтирилади.

Мустақиллик ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ва ватанпарвари учун энг катта сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий бойликдир. Шу боис ҳам истиқлол мавзуси альбомдаги иккинчи қисм материалларнинг асосини ташкил этади. Бу бўлимда мустақиллик республика халқига, шу юртнинг ҳар бир фуқаросига нима берди, истиқлол туфайли бугунги кунда нималарга эришдик ва келажак истиқболимиз қандай бўлади, деган саволларга жавоб топиш мумкин.

Ушбу мавзу кейинги бўлимда муфассал келтирилган рақам ҳамда далиллар билан тўлдирилади, ривожлантирилади. Унда Ўзбекистоннинг ўз эҳтиёжинигина тўлиқ қондириб қолмасдан, балки жаҳон хўжалик алоқалари тизимида муносиб ўрин эгаллаши, дунёнинг энг ривожланган ва гуллаб-яшнаётган мамлакатлари қаторида бўлишини таъминлайдиган улкан ва беқиёс табиий бойликлари, меҳнат ва ишлаб чиқариш ҳамда маънавий ресурслари ва имкониятлари ҳақида сўз боради. Мазкур бўлим саҳифаларидан жой олган фойдали қазилмалар хариталари, схема ва диаграммалар Ўзбекистон ички ресурслари ва салоҳиятини яққол акс эттирган.

Альбомнинг кейинги бўлими демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги фаолият, республикада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатини кучайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳикоя қилинади. Унда демократиянинг асосий тамойиллари, янги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор институцион тузилмалар кўрсатиб ўтилади.

Катта бир бўлим материаллари «Кўп укладли иқтисодиёт ва бозор муносабатлари» мавзусига бағишланади. Мазкур бўлимда бозор ислоҳотларининг беш тамойили, амалга оширилаётган ўзгаришлар динамикаси ва унинг асосида ишлаб чиқаришдаги барқарорлик ҳамда ўсиш суръатлари суратли ва кўргазмали лавҳалар билан акс эттирилган. Айни чоғда кейинги қисмда аҳоли барча қатламлари фаровонлигининг ўсишига қаратилган иқтисодий ва кучли ижтимоий сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги аниқ мисолларда очиб берилади.

Альбомнинг махсус бўлимида маънавият, маданият, таълим мамлакатнинг умумий ривожланишида ҳамда жамиятнинг ҳозирги босқичдаги устивор йўналишлари эканлигига эътибор қаратилиб, унда халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳақида фикр юритилади.

Тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик — бу мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсати тамойиллари ҳисобланади. Альбомнинг сўнгги қисмида «Кенг халқаро ҳамкорлик» сарлавҳаси остида мамлакат ташқи сиёсати йўналишлари очиб берилади.

Ҳар бир бўлимда Президент И. А. Каримовнинг муҳим фикрлари, Ўзбекистон ва бу ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида хорижий мамлакатларнинг машҳур давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан АҚШ Президенти Б. Клинтон, НАТО Бош котиби Х. Солана ва бошқа давлат бошлиқлари, йирик ишбилармонлар, чет эл таниқли олимлари, ёзувчилари, жамоат вакилларининг мулоҳазалари бериб борилган.

Альбомда асосий мавзулардан ташқари Ўзбекистоннинг мафтункор табиати, гаройиб маданий ёдгорликлари, мамлакатнинг хушманзара жойлари рангли суратларда акс эттирилган. Ҳар бир мавзу бўйича «Хабарлар, воқеалар, фактлар» рукни остида махсус йиғма туркумлар ҳам бериб борилган.

Дарвоқе, ушбу альбом билан бир пайтнинг ўзида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ўзгаришларга бағишланган ва «Асрларга татигулик йиллар» деб номланган рангли суратли катта форматдаги плакатлар туркуми ҳам ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Аслиддин БОЛИЕВ.
ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу альбом плакатлар туркумини пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта ва махсус таълим вазирлигига қарашли «Интеркитоб» фирмасидан харид қилишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 139-43-83, 144-19-72.

Maktabgacha tarbiya

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 415-болалар боғчасида «Соғлом авлод учун» дастури асосида кичкинтойларга таълим-тарбия берилаётир. Тажрибали услубчи-психолог Елена Буйлова ва психолог Дилдора Аҳмедовалар гуруҳларда амалга оширилаётган таълим-тарбиявий тадбирларни болалар психологияси ва педагогика назариясига таянган ҳолда махсус қўлланмалар асосида ташкил этганлар.

Боғча логопедия, яъни болалар нутқидаги айрим товуш камчиликларини тузатишга ихтисослашган. Бу борада логопед Алёна Цибизова ва Татьяна Бундиналар махсус кўргазма материаллар асосида мунтазам машғулотлар олиб бораётирлар. Машғулотлардаги турли кўргазмалар боланинг сенсор тарбияси, яъни буюм ва ҳодисаларнинг хоссаларини бевосита кўриш, эшитиш, ўрганиш имконини туғдиради.

ҲАМИША ПАРВОНАЛАР

Тайёрлов гуруҳи болаларини мактабга тайёрлашда «Азбука» сингари ўқув қўлланмаларга таяниб ҳарфларни ўргатиш, унли ва ундош товушлар ва уларнинг тўғри талаффуз қилинишига алоҳида аҳамият берилаётир. Шунингдек, дилбандларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш мақсадида «ЭКОСАН» ташкилоти билан боғланган ҳолда экологияга оид машғулотлар ўтказилаётир. Эколог Саида Позилова раҳбарлигида қувноқлар Ўзбекистондаги ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар, уларни севиш, асраш ва парвариш қилиш ҳақида бошланғич тушунчага эга бўлмоқдалар.

Болалар билан математикага оид таълим-тарбиявий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Тажрибали тарбиячи Лола Ниғмонова машғулотларда якка-якка тушунчалардан умумий тушунчалар чиқариш сингари ақлий жараёнларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради. Айниқса, топишмоқли ўйин, дидактик таълимий машғулотлар, ҳаракатли ўйинлар болаларнинг фикр доирасини кенгайтиришга имкон яратади.

Мавсумий байрамлар муносабати билан боғчада ўтказиладиган эрталикларда шеър ёдлаш, қўшиқ куйлаш, ҳаракатли ўйинлар болаларда мантиқий хотирани ривожлантиради. Бу ўринда мусиқа раҳбари Альбина Ашуралиеванинг хизмати катта.

Хуллас, қувноқлар масканида тарбияланаётган болажонлар атрофида меҳрибон, фидойи мураббийлар ҳамиша парвонадирлар.

Х. УМАРОВА.



Асрнинг иккинчи ўн йиллигида мустамлакачиларнинг либоси қизил рангга ўзгарди. Моҳият янгиланмади. Мақсад ўзгармади. Тузум миллатни ундан-да баттар муте қилиш учун, миллатни йўқ қилиш учун, унинг зиёлиларини йўқ қилишга тушди. Кўпчилик зиёлилар маккор Шўрога умид билан қарадилар...

Афсуски, яхшиларнинг бу ўйлаганлари сароб бўлиб чиқди — оқ итдан қочиб қора ит истибдоди гирдобига тушди. Мазкур табаррук номларнинг қарийб тўқсон беш фоизи Шўро ҳукуматининг қаҳрига учраб айбсиз айбдорлар сифатида, «миллатчи», «аксилинқилобчи», «Ватан хоини», «халқ душмани», «руҳоний», «динчи», «эскиликка қайтувчи», «колхоз тузумига қарши», «Шўроларга қарши», «шовинист», «Қосимовчи», «Иноғомовчи», «Троцкийчи-зиновьевчи гуруҳининг аъзоси» сингари соқилаънатлар билан беаёв тергов қилинди ва отиб ташланди.

Ана шундай қатағонликнинг ашаддий зулми ва азобларига бир эмас, икки марта гирифтор бўлиб, муаллим ва журналистлик касбини эгаллаганлигига минг пушаймон бўлган, охир-оқибатда соғлиғидан ажраб, вафот этиб кетган ўткир зиёлилардан бири Мухторхон Муҳаммадий эди.

Бу улуғ инсоннинг таржимаи ҳолига бериладиган чизгиларни мавҳумлаштирмайлик. Яхшиси, унинг ўз қўли билан 1929 йилнинг 21 декабри куни КГБ терговчиси Гайнутдинов ва тергов бошлиғи Соловьевларга ёзиб берган араб ёзувидаги ижтимоий келиб чиқишидан энг муҳим ўринларни келтира қолайлик. Бу нарса ҳар қандай гувоҳлар изоҳотидан ишонарли ва мухтасар бўлади.

У ёзган эди: «Мен 1899 йили Қўқон шаҳрида мударрис Эшонхон Муҳаммадхон оиласида таваллуд топдим. Отам Эшонхон мударрис Қоҳира мадрасасини 1889 йили битириб келган ва Мадалихон мадрасасида дарс берганлари тўғри. Мен ҳафтияк ва чаҳор китобларни отам қўлларида ўрганганман. Қолғон билимларни Қўқондоғи II-босқич Абдулваҳоб Ибодий аълам домланинг жадидчиликни ўргатувчи хусусий мактабида олиб, сўнг 1914 йили ўрис-тузем мактабида ҳам таълим олғонман. Муаллимларим Ибодий ва Зоҳирий, ҳатто Ҳамза ҳам эди. 1916 йилдан бошлаб Найманчадоғи ва Учкўприкдоғи эски мактабларда она тили ва ҳисобдан дарс бериб юрдим. Инқилобдан сўнг «Инпрос» — Маориф институтида ўқидим ва муаллимлик касбини эгаллаганман. 1918 йили «Меҳнат байроғи» рўзномаси ташкил бўлди. Мен Қўқонда шу рўзномада ходим бўлдим.

1923 йили институтни тугатиб, журналистлик билан бир вақтда Қўқондаги таълим-тарбия техникуми ҳамда 3-тўлиқсиз ўрта мактабда адабиёт ва она тилидан сабоқ бериб юрдим. Дарҳақиқат, бисомтимдоғи пулларимни йиғиб, 1925 йилда Қўқонда 4 йиллиқ II-босқич мактаб очдим, болаларғо она тили, одоб, ҳисоб ва жўғрофия соҳаларидан сабоқ бериш билан уларғо косипчилик касбини ўргатдим. Кейинчалик, яъни шу мактаб пўндаменти асосида 7 йиллик шўро мактабини очдик. 1926 йилнинг июнида бу ўрта мактабга айлантирилди, ўрта мактаб 9 йиллиқ таълим берарди...

Мен шу мактабда, шу кунгача — қамалгунимгача 1929 йил 19 декабргача директорлик қилдим. Бу мактабда ўқитувчи ва журналистлардан Лутфулло Олимий, Абдулло Раҳматзода, Муҳитдин ва Нуриддин Эрматовлар, Шариф Ризо ва Эркин Носирлар дарс беришган. Улар билан бирга ишладим. Усмон Носир ҳам шу мактабда ўқиган.

Исломжон Турсунов, Ҳайдарали Узоқов, тарих фанлари докторлари.

МУХТОРХОННИНГ МУХТОР ҚИСМАТИ

Айтганингиздек, мен ва Абдулло Қаҳҳор, яна Муҳитдин Эрматовлар, «Қизил қалам» ёзувчилар уюшмасининг Қўқон бўлимини бошқарганмиз. Бўлим ҳеч қандай сиёсат билан шуғулланмаган, фақат адабий асарларнинг савияси, ёзилиш мазмунини текширилари, кўпроқ кулги ҳикоя ва шеърларни ўқиб муҳокама қилардик. Кулги асарларни «Фарғона» газетасига тавсия қилардик...»

(«п. 33391-иш, 17 ва 18-жилдлар, 335-338-бетлар).

Тергов давомида берилган қуйидаги саволлар унинг бутун борлиғини, қилган ишлари руҳиятини, шахсиятини очиб ташлаган эди.

Терговчи: Қани айтинг-чи, сиз тилчи, динчи, адабиётчи ўқитувчи, журналист экансиз, рост гап «Миллий иттиҳод» ҳамда «Ботир гапчилар», «Миллий иттиҳод» ҳамда «Ботир гапчилар»нинг ишончли аъзосисиз. «Ботир гапчилар», «Миллий иттиҳод»нинг Қўқондаги ячейкаси, тўғрими? Унинг раҳбари ва аъзоларини, қиладиган ишларини айтиб беринг-чи?

Мухторхон: «Ботир гапчилар» биринчидан, «Миллий иттиҳод»га ҳеч қандай ячейка эмас. У аксилинқилобий ташкилот ҳам эмас. Ўзи мустақил, ўттиз-қирқта ўқитувчи, журналистдан **Муҳитдин Ҳусаинов, Мирзаабдулла Солиев, Маматқул Холдоров, Обид Ҳакимов, Комил Қосимов, Восе Қаюмов, Тошпўлат Акбаров, Толибжон Охунжоновлар** ҳам бор. Булар ўз халқига, миллатига вафодор инсонлар. Шўронинг сиёсатини мақтаб ва газеталар орқали ташвиқ қилиб юрадилар. Нималар бўляпти ўзи, тушунмаяпман. «Гапчилар»ни «аксилинқилобчи», «шўрога қарши» дейишяпти... Буларни мендан бир ҳафта олдин қамашган. Ўзлари айтиб беришгандир... («П. 33391-иш», 18-жилд, 232-247-бетлар).

Терговчи: Сиз гапнинг ростини айтинг-чи, Найманча қишлоғида пахтага ишлов бериб, культивация қилаётган **Ашурмамат қўшчи** ўн туп ғўзани ҳайдаб юборганида, кўчатни ўлдирганида сиз шунинг устида бўлгансиз. Сиз дарсдан чиқиб кела ётганингизда, мактаб ёнидаги майдонда шу иш рўй берган. Қўшчи ўн туп ғўзани томири билан қўпориб ташлаган. Унинг ҳар бир тупида 7-8 тадан гул бўлган. Шунда Ашурмаматга «ўн туп ғўза ўлса ўлибди-да, шунга ҳам ота ғўри қозихонами? Ғўзасини падарига лаънат» деганингиз тўғрими?

Мухторхон: Бу ёлғон. Нотўғри. Мен шу пайтда ҳайдаб юборилган ғўзаларни кўрганим тўғри. Мен қўшчига «нотўғри қипсан, эҳтиёт бўл. Биронтаси бориб айтса сенга яхши бўлмайди», деганим рост. Сизларга нотўғри етказишибди...

Tarixning o'gilmagan sahifalari

Терговчи: «Ботир гапчилар»нинг қўпорувчи аъзолари коллективлаштиришга тиш-тирноғи билан қарши чиқаётган шўроларга қарши зараркунандалар эканлигини биласизми? Аъзолардан қайси бирлари ана шундай қўпорувчилар? Ана шуларни айтиб беринг-чи?

Мухторхон: Бу нотўғри гап. Мен ўқитувчи бўлсам, журналист бўлсам. Қишлоқ хўжалиги билан нима ишим бор. Бу саволингизга раис ва бригадирлар жавоб қилсин. Ашурмаматни ўша 1928 йилдаёқ олти ойга кесиб юборишди-ку, ҳалиям ўшани иши бўйича сўроқ қиляпсизларми?

Терговчи: Тилингни қисқа қил. Саволга тўғри жавоб бер.

Мухторхон: Тўғрисини айтяпман. «Ботир гапчилар»нинг бундай ишларга алоқаси йўқ. Коллективлаштиришга қарши ҳам эмаслар. Фақат бу ишни баъзи сотқинлар нотўғри ташкил қилишмоқда. Одамлар орасида «ким колхоз бўлса, унинг уй-рўзғори, оиласи, ҳатто хотини ҳам умумий бўлармиш. Бир кўрпада ётармиш», деган ташвиқотни олиб боришмоқда. Ана ўшалардан сўранг.

Терговчи: Ўшалар кимлар, биласанми, айт?

Мухторхон: Мен билмайман. Буни мелиссия ходимларининг ўзлари билишади.

Терговчи: Ашурали Зоҳирий «Янги Фарғона» газетасида ишловчи **Ёқуб Омон, Носир Эркин, ўзингиз, Умархўжа Ҳамидов, Абдулла Қаҳҳорларга** ғоявий раҳбар сифатида пантуркистик ишларни, панисломистик ғояларни тарқатиб, бутун водийда мусулмон ва туркийларни бирлаштириб туриб шўрони ағдаришга бел боғлагани тўғрими? Сиз бу кампанияда қатнашгансиз, биласиз.

Мухторхон: Зоҳирий, Ибодий, Бўлат Солиевларнинг пантуркист, панисломист эканликларини билмайман-ку, аммо большевикларнинг мақсад ва вазифаларига жавоб тариқасида ҳар бир жойда, Шўронинг ҳар бир шаҳар-қишлоқларида турли миллат вакиллари ўзаро иноқ ва аҳил, бирлашиб яшасинлар, куч бирликдадир, деган шиорига амал қилишиб, таълим-тарбия ишларини олиб боришарди. Биз ҳам ўлкада барча халқлар, айниқса туркийлар бирлашиб оқ пошшонинг зулмига қарши курашдик-ку. Улар шу асосда иш юргизишгани тўғри...

Терговчи: Сенларнинг асл мақсадларинг ҳам ана шу беъмани шиорни рўкач қилиб олиб, Шўроларга қарши курашмоқдасан. Яхши, бу аксилинқилобий башарангни яшириб, ...

Терговчи бу савол-жавобдан кўнгли тўлмади. Навбатдаги маҳбус — **Ашурали Зоҳирийни олдириб келди** ва Мухторхон берган жавобларнинг баъзилари ва бошқа саволларга жавоб беришни талаб этди.

(Давоми бор).

Fanimiz fidoyilari

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ...

Яширишнинг ҳожати йўқки, айрим табақа одамлари ҳар нени моддий бойлик билан ўлчашади. «Пул бўлса, чангалда шўрва» деган чала фалсафа — уларнинг шиори... Борингки, уларга сал ён берилган тақдирда ҳам шу нарса ойдинки, ОЛИМликни пул билан ўлчаб бўлмайди. Юрт сўраган бойвачча олимни сотиб олиши мумкин, лекин том маънодаги илмга пули етмайди. Чунки илм фақат ва фақат ҳалоллик ва фидойилик билангина келиша олади. Туғма ақл бўлмаса — суқма ақл бефойда ахир!

Заҳматкаш олима Қумри Сафаева билан суҳбатлашиб ўтирар эканман, юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. Қумри опа ҳали она сути оғзидан кетмаёқ, ҳаётнинг илк зарбига учради: 1940 йили, яъни бир йил ўтиб отаси урушга кетади... Шукрки, ўзбекмиз: болажон, меҳрибон... Қирқинчи йиллар қаҳатчилигига қарамай Қумри опани холаси Анбарнисо Мирзажонова ўз қарамоғига олди. Анбарнисо хола жияни Қумрини кўнгли яримталигини билдирмай, алоҳида меҳр ва муҳаббат билан тарбиялади. Емай едирди, ичмай ичирди... Унинг ўқишига алоҳида эътибор билан қаради. Мана шу меҳр ва эътиборнинг натижаси қутилгандан зиёда бўлди: Қумри Сафаева Янгийўл туманидаги Навоий номли 1-сон ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлагач, (1955 йил), Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ТошДУ) физика-математика факультетига ўқишга кирди. 1960 йили математика мутахассислиги бўйича олий маълумот олган Қумри опа соҳа билимини мукаммаллаштирмоқ ниятида Москва Фанлар академиясининг ҳисоблаш Маркази аспирантурасига боради... Шундан сўнг Қумри Сафаеванинг машаққат ва шарафга тўла илмий фаолияти бошланади: 1965 йили физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олгач, анча йил машҳур академик В. Қобулов асос солган кибернетика институтида аввал кичик, кўп ўтмай катта илмий ходим лавозимларида ишлайди. 1969 йилдан то 1991 йилгача Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Эҳтимоллар назарияси ва ҳисоблаш математикаси» кафедрасида доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади. Фаолияти давомида бир зум ҳам илмий изланишларини ташламаган Қумри опа Сафаевага «Пахта комплекси тараққиётини оптималлаштиришда математик моделлар ва усуллар» мавзусидаги жиддий тадқиқоти учун фан доктори даражаси берилди. Айни пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони соҳибаси, профессор Қ. Сафаева Тошкент молия институтининг математика кафедрасини бошқариб келмоқда. Қумри опа юзлаб илмий, илмий-услубий ишлар ва дарсликлар муаллифи ҳамдир...

Қумри Сафаеванинг қисқача касби-ҳоли шу. Айтишингиз мумкинки, шундай заҳматли олима ҳақида кулчадеккина мақола ёзишнинг нима кераги бор, қалам тутганингдан кейин каттароқ, батафсилроқ қилиб қоғоз қораласа бўлмайдими? Тўғри, Қумри опанинг 40 йилдан зиёдроқ илмий фаолияти ҳақида кўп ва хўп ёзсак ҳам қарздор бўламиз. Очиғи ушбуни андек шошиб ёзаётирмиз. Негаки, гўзал Фарғонанинг Риштон туманига қарашли Оқ ер қишлоғида туғилиб ўсган профессор Қумри Сафаева бу йил қутлуғ 60 ёшга тўлдилар. Ушбу хамир учидан патир. Насиб қилса, опа ҳақида батафсил ёзармиз. Ҳозирча Қумри опамиз тўёна, тўғрироғи, тўйхат ўрнида қабул қилгайлар...

М. РАЁМОВ,
Тошкент Молия институти доценти.
Д. ТИЛАВОВ,
талаба.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИР БАЙРАМ — ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ

(Боши 1-бетда).

ки, бугун республикамизда ўтказилаётган мусобақа барча жиҳатлари билан жаҳон стандартларига мос келмоқда.

Бундан ташқари мусобақаларнинг боришини жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари, телевизион компаниялари ёритиб боради. Турнир доирасида ёш теннисчилар мусобақасининг ҳам ўтказилиши мамлакатимизда спортнинг бу турини янада оммалаштиришга хизмат қилади. Яна бир янгилик турнир давомида махсус лотерея ўйналиши ҳам кўзда тутилган. Томошабинлар чипта билан қўшиб бериладиган лотереяни тўлдириб, ўз омадларини синаб кўришлари мумкин.

Биз ўз навбатида теннисчиларимизга нуфузли мусобақада фақат омад тилаб қоламиз. Кеча ўйинлар бошланди. Мусобақа натижалари ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишиб борасиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

1994 йил

Чак Адамс (АҚШ)

1995 йил

Карим Аламий (Марокаш)

1996 йил

Феликс Мантийя (Испания)

1997 йил

? ? ? .

ҲАЁТИМИЗДАГИ БУРИЛИШ

МАЪНАВИЯТ — ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Мамлакатимизда ислоҳотлар авж олган бир пайтда, бундан бир йил муқаддам, 1996 йилнинг 9 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда маънавият устивор вазифа сифатида ўртага қўйилди. Буни халқимизнинг барча қатламлари мамнунлик билан кутиб олди. Республикамизнинг барча вилоят ва туманларидаги олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларимиз янги бир суръат билан жадаллашиб кетди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бугунги куни ҳақида шу даргоҳ раҳбарининг ўринбосари Шермат ЁРМАТОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимизнинг Фармонидан сўнг республика маънавий ҳаётида жуда катта бурилиш бўлди. Фармоннинг 1-бандида кўрсатилганидек, маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисобланиб, жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юкланди.

Маънавият — бугуннинг янгилиги эмас, у қадимдан бўлган. Бир вақтлар халқимиз онгини коммунистик ғоялар билан «суғоришиб», бизни маънавиятимиздан, ота-боболаримиздан ўтиб келаётган қадриятларимиздан чеклаб қўйишди. Энди, мана, худога шукр, миллий қадриятларимизга юз бурдик.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар, туманларида «Маънавият» марказининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Жойлардаги ҳокимиятлар улар учун алоҳида бино ва моддий маблағлар ажратиб, халқимизнинг иқтидорли зиёлилари ушбу бўлимларда муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Вилоятлардаги бўлимларнинг деярли ярмида ўзларининг махсус рўзномалари чоп этилмоқда, аудио, видео лабораториялари ишлаб турибди. Мактаблардан тортиб олий ўқув юртларигача, катта жамоат ташкилотларида маънавият ишларини олиб борувчи масъул кишилар белгиланди. Марказимиз уч тилда чоп этилган ўз Устави ва концепциясига эга.

Маънавият — инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламидир. Бола эсини таниганидан бошлаб, унга маънавият сабоқлари сингдириб борилмаса, маънавий тарбиянинг узлуксиз ва самарадор усулларини излаш тезлаштирилмаса, инсонпарварлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик хислатларига эришиш кечикади. Шунинг учун ҳам, марказимиз ўтган йилнинг апрель ойида республикадаги мутасадди олимларни тўплаб, маънавият дарсларини ўрта мактабларнинг биринчи синфидан бошлаб, то олий таълим тизимигача фан сифатида ўқитиш масаласини қўйган эди. Бу мақсадимиз бугунги кунда амалга ошяпти. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда дарслик яратиш, кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал этишга киришдик. Марказимиз тайёрлаган, маънавият дарслари учун мўлжалланган иккита қўлланма босмадан чиқиш арафасида турибди.

Маънавият марказининг асосий вазифаларига маънавий тарбияга дахлдор бўлган илғор билимларни тўплаш, уларни халққа етказиш, маънавият тарғиботлари учун тавсиялар, қўлланмалар тайёрлаш ҳам киради. Шу мақсадда йилда тўрт марта чоп этиладиган «Маънавият нашрлари» туркумида китобчалар чиқараяпмиз. Марказимиз қошида «Маънавият» нашриёти иш бошлаган. Нашриёт ўз ишини бир вақтлар маънавиятимиз бешигини тебратган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг танланган асарларини нашр этишдан бошлади. Нашриётнинг режалари ҳам салмоқлидир. Маънавият дарслари учун рангли кўргазмали қуроллар, плакатлар чоп этишни ҳам бошлаяпмиз.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг илк нашри — «Тафаккур» журнали қисқа вақт ичида ўз қиёфасига эга бўлиб, мухлислар орттирди. Яқинда ташкил этилган «Жаҳон адабиёти» журналида эса умуминсоний қадриятлар, дунёдаги бошқа халқлар ижодининг юксак намуналари ўзбек халқига ўз она тилида туҳфа этилмоқда. Марказ қошидаги «Олтин мерос» жамғармасининг ишлари ҳам тубдан жонланди. Шунингдек, марказ қошида ташкил этилган бир қатор курсларда «Касб маънавияти» ўқувлари олиб бориляпти.

Марказ Ўзбекистон телевидениеси билан доимий ҳамкорликда иш юритиб, ҳафтасига икки марта «Маънавият» канали орқали кўплаб билим юртларида, вилоят, туман, маҳаллаларда бўлаётган учрашувлар ва суҳбатларни ёритиб келмоқда. Ҳозирги пайтда янги йўналишлар бўйича изланиб, кўрсатувларимизнинг янгича анъаналар, маърифий-исломий жиҳатларини ҳам тўлдиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинишидан ва халқнинг ҳуқуқий билимларини ошириш вазифа қилиб қўйилгандан сўнг «Камолот», «Умид», «Нуроний», «Маҳалла», «Ўзбектуризм» каби жамоатчилик ташкилотлари билан ҳам қамкорлигимиз ошганлигини таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир.

Суҳбатни Нурлан УСМОНОВ ёзиб олди.

Суҳбатдошимиз физика-математика фанлари номзоди, Тошкент автомобиль йўллари институти физика кафедрасининг мудири, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаол аъзоси, профессор, таниқли олим ва маърифатчи Фатхулла ҳожи Зикриллаев. Номи юртга маълум бу туғма иқтидор соҳибининг физика-математикага оид кўплаб илмий асарлари бор. Бу асар қаторидан унинг илмий-маърифий соҳага бағишланган китоблари ҳам ўрин олган-ки, улар айни кунда маърифатчиларнинг маънавий мулкига айланган. Жамоатчи мухбиримиз Искандар РАҲМОНнинг олим билан суҳбати маърифат ва маънавият масалаларига бағишланди.

— Домла, Республикамиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинганига ҳам бир йил бўниб қолди. Бу шубҳасиз, жамиятимиз тарихида, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлди. Зеро, инсоният боғининг энг гўзал дарахти маърифатдир, одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари маънавиятдир. Биз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролар жамияти барпо этишга астойдил азму қарор қилган эканмиз, бу ҳашаматли келажагимиз пойдеворини ватандошларимиз маънавиятини юксалтиришдан бошлашимиз лозимлигини англадик. Келинг, суҳбатимизни ҳам маърифат ва маънавият ҳақидаги тушунчалардан бошласангиз.

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарияти маънавият масалаларига доим катта эътибор бераётгани бежиз эмас. Чунки маънавиятсиз жамият тараққий этмайди. Юртбошимизнинг «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир... Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш — ўз келажагига болта уриш демакдир», деган қатъий кўрсатмалари ҳамма учун ҳеч иккиланмай, изчиллик билан амалга ошириладиган пишиқ-пухта дастурламалдир.

Маънавият ўта кенг қамровли тушунчадир. Унинг негизини юксак инсоний фазилатлар, яъни Ватанга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат, ҳурлик, мустақиллик руҳи, ўзлигини англаш, халқимизнинг бой маданий ва тарихий мероси, миллий удум ва анъаналарига, шунингдек, умуминсоний қадриятларига бўлган иззат-ҳурмат, эҳтиром ташкил этади. Истиқлолнинг кўҳна тарих учун киприк қоққудек қисқагина олти йили халқимиз маънавиятини тиклашда жаҳоншумул давр бўлди, десам муболаға бўлмайди. Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган кишанлардан халос этди. Ўзбек ўз юртида бошини баланд ва мағрур кўтариб, қадди-қоматини тик тутиб, ўз маданияти ва анъаналарини жаҳонга кўз-кўз қилиб, қадр-қимматини, дини ва эътиқодини, она тили ва қадриятини ўз ўрнига қўйиш ва бундан завқ-шавқ туйиш бахтига мушарраф бўлди, иншоолло.

— Домла, Сизнингча, маънавиятнинг асосий сарчашмалари қаерда ва бу сарчашмалардан қандай қилиб фойдаланишимиз зарур?

— Саволингиз ниҳоятда долзарб, мураккаб ва муҳим. Доноларимиз: «Ватан остонадан бошланади» ёки «Бола бошдан...» дейишганидек, маънавият уруғлари инсон боласига энг аввало, муқаддас она сути, унинг сеҳрли алласи, қолаверса, оила, маҳаллақўй, жамоатчилик таъсири билан омухта бўлиб сингийди, шаклланади. Шу маънода ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин бир даврида маърифат, маънавиятни юксалтириш ҳақида давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирлар белгиланиши ва уларни амалга оширишни таъминлаш айни муддаодир. Минг афсуски, собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги вақтида халқимиз маънавиятининг чуқур ва теран илдизларига болта урилди, ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни онгимиздан куч ва тазйиқ билан сиқиб чиқаришга кўп ва хўп ҳаракатлар қилинди. Аммо ҳақиқат эгилди, букилди, бироқ синмади. Энди маънавиятимизни юксалтиришга катта ва кенг имкониятлар яратилди. Табиийки, маънавиятимизнинг асосий ва бой сарчашмалари ҳар бир оилада, болалар боғчасида, мактабда, ўрта ва олий ўқув юртларида. Унинг тақдири эса нафақат маърифатли, балки юксак маънавиятли илм-фан фидойилари, мураббийлар, зиёлилар қўлидадир. Шундай экан, биз энг аввало мураббийларни маънавиятга ўқитишимиз, ўргатишимиз лозим. Чунки тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир. Бизнинг оила, иш жойимиз, умуман кўча-кўйда, жамоатчилик орасидаги барча хатти-ҳаракатимиз, юриш-туришимиз маънавиятли, ибратли бўлмоғи шарт. Бизда, яъни Шарқ халқларида оддий аксиришдан тортиб ҳомуза тортиш, ҳатто йўталишгача, гапиришу юриш-туришгача бўлган барча ҳаётий хатти-ҳаракатларнинг тартиб-қоидаси, одоби, йўли бор. Шуларга амал қилган одамгина одобли, ахлоқли, маънавиятли, маданиятли ҳисобланади ва қадрланади.

Бизнинг ўтмишдаги ва ҳозирги кунда ҳаёт бўлган ота-оналаримизда катта маънавий бойлик — сарчашмалар мавжуд. Уларни ўрганишимиз, ҳаётга татбиқ қилишимиз лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, маърифат ва маънавият ишлари ҳар бир оилада ривожланиши лозим. Иккинчидан, барча ўқув дастурларимиз миллий асосда қайтадан пишиқ-пухта қилиб ишлаб чиқилиши энг асосий масаладир. Учинчидан, ўқув-тарбия ишлари ягона бир узилмас ҳалқадек бўлишини таъминлаш керак. Фарзандларимизнинг боғчада олган маънавиятларини, тушунчаларини мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида муттасил такомиллаштириб бориш, тафаккурларининг тобора кенгайиб, иймон, эътиқодларининг мустаҳкамланиб боришини таъминлашга эришишимиз лозим. Бунинг учун эса, одоб, ахлоқ, иймон, эътиқод масалаларини кенг қамраб оладиган махсус дарсликлар, қўлланмалар яратишимиз керак. Бу дарслик, қўлланмалар аниқ бир мақсад, яъни ёшларимизда шарқона, миллий маънавиятни юксалтиришга қаратилган ҳолда боғчалар, мактаб ўқувчилари, талабалар учун алоҳида-алоҳида ҳолда чиқарилгани маъқул. Биз шунга эришмоғимиз лозимки, биз тайёрлаган бу дарслик ва қўлланмалар жойларда чанг босиб қолиб кетмасдан, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларимизда ўқув дастурларига алоҳида фан сифатида ҳам киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Айтинг-чи, аниқ фанлар билан адабиёт ва санъат ўртасида узвий боғлиқлик борми? Булар бир-бирини тўлдирадими?

— Албатта. Бизга тарихдан маълумки, ота-боболаримизнинг эгаллаган касб-ҳунарлари, лавозимлари қандай бўлишидан қатъий назар илм-фан, адабиёт ва санъат билан ҳам шуғулланишган, унинг ўзига хос сир-асрорларидан воқиф бўлишган. Баҳоли қудрат бу соҳада ҳам баракали ижод қилишган, бизга бой, маънавий меросларқолдиришган. Улар бир неча тилларни билиш билан бирга турли аниқ фанлар қатори кўпгина дунёвий билимларни ҳам пухта эгаллаб, нафис санъат ва адабиёт шайдолари, мумтоз куй, қўшиқларнинг чинакам ихлосмандлари, ижодкорлари ҳам бўлишган. Бунга мисоллар жуда кўп. Демоқчимизки, уларда маънавият ҳар томонлама мукаммал ва баркамол бўлган. Масалан, Ал-Хоразмий ўз вақтида Бағдодда Хорун Рашид академиясида Президент, яъни Раисул Байтул ҳикмат бўлган, жаҳонга машҳур «Ал-жабр ва муқоббала» китобини ёзган, алгебра фанига асос солган, шу вақтгача бу соҳадаги кўпгина атамалар унинг номи билан юритилади. Бундан ташқари ҳинд тилидан «Ҳинду сари» деган китобни араб тилига мукаммал таржима қилган. Унинг илм-фандаги катта ихтироларидан бири — математикада нол рақамини кашф қилганидир. Маълумки, нол рақами ҳинд, рим математикасида бўлмаган. Шунинг учун Ал-Хоразмий ҳар эҳтимолга қарши бўш ўринга бир нуқта қолдирган. Бу оддий ихтиронинг ўзи бутун инсоният, жамият учун жуда катта осонлик, енгиллик туғдирган. Масалан, рим рақамида 18 рақамини 10 га кўпайтириб кўринг-чи. Нол рақами бўлмагани учун бу масалани ечиш ниҳоятда амримаҳол бўлган, қатор қийинчилик ва янглишмовчиликлар туғдирган. Ҳозиргача ҳам ҳамма жойда, хусусан араб алифбосида нуқта сақланади. Бундан сўз ўйини маъносида фойдаланган нозиктаъб шоир Амирий, яъни Амир Умархон ўзи ниҳоятда гўзал бўлатуриб, қошига қалам суртиб, ўртасига хол, яъни нуқта қўйиб жуфти ҳалоли олдига чиққан ва шоира Нодирабегим, яъни Моҳларойимга қарата шундай дейди:

Қошингга теккизмагил
қаро қаламни,
Бир нуқта бирла
бузмагил рақамни!

Яъни, ўзинг-ку гўзалликда яккаю ягона, танҳо эдинг, энди бўлса, қошингнинг ўртасига хол, нуқта қўйиб, битта эмас, ўнта бўлиб қолибсан!

— Сиз қўшиқ тинглашни ҳам маънавият дея оласизми?

— Албатта. Биз ёшларимизни оилада, мактабда олиб бориладиган ашула дарсларида қўшиқ айтишга эмас, балки уни тинглаш, маъно мазмунини чуқур англашга ўргатмоғимиз ҳам лозим. Мана, машҳур ҳофизимиз Муножотхон Йўлчиева ўзининг мумтоз қўшиқлари билан Фарангистондек нозиктаъб мамлакат халқини лол қолдириб келди. Бу тарихий ҳодиса французларда мусиқа тинглаш маънавияти, маданияти ниҳоятда кучли эканлигини кўрсатади. Бизда эса, ҳар қадамда мумтоз куй, қўшиқлар айтила беради, эшитаётганлар эса, бемалол гаплашиб, хоҳлаган ишларини ҳам қилиб ўлтира беришади. Худди шундай фикрни меъморлар ва мусаввирларнинг нафис санъат асарларини томоша қилиш, ундан завқ-шавқ туйиш борасидаги маънавиятимиз ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Хулоса шуки, биз ёшларимизда она табиатимиз, она-Ватанимиз гўзалликларини чуқур тушуниш ва идрок этиш, бундан ҳаёт учун, кундалик юриш-туриш учун намунали, ибратли сабоқ олиш, уни амалиётга татбиқ этиш маънавияти ва маданиятини ўргатмоғимиз лозим. Бу эса, ниҳоятда катта меҳнат, масъулият, фидойилик, миллий ғурур ва ифтихор ҳиссиётуйғуларини, тарбиялаш, шахсий намуна кўрсатиш эвазига рўёбга чиқади.

— Ҳозирги пайтда одамлар, айниқса, ёшларнинг маърифат ва маънавиятга бўлаётган муносабати ҳақида ҳам бироз тўхталсангиз.

— Сўнгги пайтларда бозор иқтисодиёти қийинчиликлари сабабли, катталар, айниқса, ёшлар китоб ва газета-журналлар ўқишда сезиларли лоқайдлик, сусткашлик қилмоқдалар. Балки бу вақтинчалик ҳолатдир. Кўп ўқиган ва ундан зарур маъно, мазмун уққан одам кўп билади, ҳушёр ва доно бўлади, дунёни бошқаларга нисбатан теран англайди. Шу боисдан ҳам уни билган ва қадрлаган одамлар бир умр китобга ошно бўлиб, билимлар сарчашмасидан баҳраманд бўлишган, кейин ён-атрофдагиларга нур-зиё таратишган.

Қўҳна тарихимиздан бизга яна шу нарса ҳам маълумки, буюк мутафаккир ва ҳаким Абу Али ибн Сино Бухоро ҳукмдори Амир Нуҳ ибн Мансур оғир хасталикка чалиниб қолганида уни муваффақиятли даволайди, бунинг эвазига ҳадя қилинган қимматбаҳо совғадан воз кечиб, амирнинг бой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат сўрайди.

«Мен... бу ерда шундай китобларни кўрдимки, кўп одамларга ҳатто уларнинг сарлавҳалари ҳам маълум эмасдир. Мен ҳеч қачон бундай ноёб китоблар тўпланган ерни кўрмадим. Мен бу китобларни диққат билан ўқиб чиқдим ва улардан катта манфаат олдим», — деб ёзган эди бу даврда эндигина 19 ёшга кирган Ибн Сино.

Доноларимиз: «Ёшликда олинган билим тошга ёзилган билан баробардир», «Бешикдан то қабргача илм олинг», «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар», деб васият қилишган. Шундай экан, ёшларимизни болаликдан маънавиятли, китобсевар қилиб тарбиялаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки китоб уларга нафақат билим беради, балки маънавий жиҳатдан юксалтиради ҳам.

Авлод-аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маънавий сарчашмаларимиз, жаҳон, қолаверса ўзимиздаги кутубхоналарда бизга мунтазир бўлиб ётипти, уларни тинмай ўқиш, ўрганиш керак. Зотан, ўтмишдаги боболаримиз момоларимиздай маърифатли, маънавиятли бўлиш эса бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Президентимиз фармонларининг асл моҳияти, маъно ва мазмуни ҳам келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама — ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, мустақил давлатимиз қуч-қудрати ва салоҳиятини ошириш учун миллий мафкурамиз таъсирчанлигини жонлантиришга қаратилгандир. Бу хайрли ишда ҳамма баб-баробар жон куйдирмоғи, фидойилик намуналарини кўрсатмоғи лозим. Зеро, Ватанимиз яккаю ягона бўлгани билан ҳаммамизники, барчамизникидир.

— Мазмунли ва самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат!



ЖОНБАХШ ДЕЛЬФИН

АҚШнинг Флорида штатидаги тадқиқот марказида миянинг чайқалиши, шол ва шу каби дардларга шифо бахш этувчи дельфинлар боқилади. Масалан, 1994 йили автоҳалокат туфайли ҳаракат, нутқ ва кўришдан қолган К. Виппер номли бола дельфин билан сувда кундалик олиб борилган узоқ даволанишлар сўнгида қўлларини қимирлатиб, аста-секин гапира бошлади. Олим Д. Натансоннинг айтишича, инсоннинг гайриоддий ҳолатини сезган дельфинлар одамни тетиклаштириш учун махсус ультратовуш тўлқинларини чиқарадилар.

УЧАР ПОЕЗД

... дегани эртак дерсиз. Йўқ, сира ҳам. Япония, Германия ва АҚШда бир асрдан буён бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Бундай поездлар соатига 150 км тезликда ҳаракатланиб ерга умуман тегмайди. Аниқроғи, вагонлар темир қувурлардаги вакуум шароитида магнит майдони таъсирида сузиш ҳолатида ушлаб турилади ҳамда «учиб» кетаверади. Пристон университетининг физиги, олим Ж. О' Нейл ҳисобларига кўра, улар янаги аср ўрталарида яратила бошлайди.

МАРСДАН КЕЛТИРИЛАДИ

Америкаликлар шу йил охирида Марс орбитасига яна бир автоматик зонд — «Марс Глобал Сервейор»ни туширадилар. 1997 йилнинг 4 июлида «Патфайндер» («изқувар») номли зонднинг ярим миллиард км масофани ўтиб «қизил сайёра»га муваффақиятли қўниши олимларни руҳлантириб юборди. «Патфайндер» «Арес Валлис» каналига тушди. Бир аср олдин аниқланган бу каналлар Марсдаги одамлар ҳақида афсона келтириб чиқарганди, энди эса 2005 йили олимлар у ердан тупроқ келтириб изланиш ўтказадилар.

«ЧОРБОҒ» ХАЛҚАРО

Таълим Маркази

АҚШ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР БЮРОСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎҚУВЧИ, ТАЛАБА ВА МУТАХАССИСЛАРГА АУДИОКАССЕТАЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

Ko'ngil bitiklari

КЎНГИЛ КЎЧАСИ

Дунё ташвишларин унутиб бир зум,
Кўнгил кўчасида кезиб бораман.
Олдинда не кутар у ёғи мавҳум,
Баъзи ғавғолардан безиб бораман.
Бу шундай кўчадир, ортингга йўл йўқ,
Ортда қолар бари хотира бўлиб.
Балки кимдир отган битта дайди ўқ,
Ҳаётинг тугатар хотима бўлиб.
Ўзимга келмоғим қийин шу тобда,
Кўнгил кўчасида бўлганман асир.
Наҳотки, эзгулик фақат китобда?
Наҳот умр йўли фақат биттадир?

ПАРИШОНЛИК

Тонгга яқин ширин уйқудан
Уйғотади безовта юрак.
Тутқазади қўлимга қалам,
Ёзгин, — дейди, — ёзмоғинг керак!
Қай мавзуга урай деб қалам
Минг ўй келар хаёлларимга
Қайсар юрак ҳеч жавоб бермас
Қанча-қанча саволларимга.
Шунда келиб илҳом париси,
Ишқ дардини илғатиб кетди.
Эндигина битган ярамни
Янгилади, йиғлатиб кетди.

ЮЛДУЗИМ

Юлдузлар аро танҳо,
Менинг Зуҳро юлдузим.
Мен томон бир қиё боқ,
Тикканман сенга кўзим.

Сурма тортган қошларинг
Бир жуфт эгик камондир
Наштар киприкларингдан
Ўқ отгани ёмондир.

Киприкларинг тиғ мисол
Юрак-бағрим тиғлади.
Раҳмдил ой ҳам ночор
Ҳолим кўриб йиғлади.

Учай десам ёнингга,
Йўлинг йироқ бунчалар
Қанотларим намлади,
Булут сочиб томчилар.

Қуёш сочар ўтли тиғ
Синаб кўрар бардошим
Тонгда кўринган юлдуз,
Кел бўла қол, сирдошим.

Шаҳриддин УМИРОВ.

НАФОСАТ ОШЁНИГА «ҚИЗИЛ»ЛАР ТАЖОВУЗИ

1923 йил Домла Ҳалим Ибодов хотирасидан сира ўчмайдиган йил бўлиб қолганди, шу йили уни Туркистон ўлкасининг машҳур санъат намояндалари билан бирга Москвага, халқаро кўргазмага таклиф қилдилар. Бундайлар орасида ўзбек диёридан борган Юсуф қизиқ Шакаржонов, Муллатўйчи Тошмуҳамедов, Аҳмаджон Умурзоқов, Шораҳим Шоумаров, Абдуқодир Исмоилов, Ғулом Зафарий, Тўхтасин Жалилов кабилар бор эдилар. Булар Москвада ўқ илдизи қадим-қадимларга қараб кетган мусиқа ва ижрочилик санъатимизнинг ажойиб намуналарини, гўзал, маънавиятга бой анъаналарини намойиш қилдилар, азалдан силсила тортиб келаётган мақом куйлари тарона чекди, қўшиқ базмлари — «Шарқ кечаси» номида аталиб, бу ердаги санъат мухлисларининг кўнглини сарафроз этди. Ҳалим Ибодовнинг кўнгироқдек жарангдор овози, сира зўриқмай, бемалол олган авж пардалари ҳаммани ҳайратга солди; «Зебо пари», «Авжи-туркий» сингари йўналишу авжлардаги машҳур ҳофиз олган пардалар манаман деган хонандаларнинг ҳаммасига ҳам насиб этавермасди... Ҳа, унинг тангри таолонинг ўзи ато этган мўъжизавий, булбулсифат овози бор эди..

МАШЪУМ 1937 ЙИЛ...

1928 йил... Самарқанд маданий ҳаётида муҳим воқеа рўй берди — у ерда мусиқа ва хореография институти ташкил этилди. Мазкур институтга Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов сингари Домла Ҳалим Ибодов ҳам ишга таклиф этилганди. Бу ерда таниқли мусиқашунос ва этнограф Н.Н.Миронов ҳам қизғин фаолият кўрсатарди — у Домла Ҳалим ижросида «Шашмақом»нинг кўпгина намуналарини ёзиб олди. Самарқандда Ҳалим Ибодовнинг ижрочилик фаолияти бундан ҳам барқ уриб яшнади, хонандалик ва созандалик санъати янада ривожланиб, сайқал топди. Атоқли ҳофиз, созанда ва бастакор Ҳожи Абдулазиз билан ҳамнафас бўлиб, ранго-ранг дастурдаги концертлару «Шарқ кечалари», байраму сайилларда бу икки санъат намояндаси иштирок этиб бордилар. Самарқанд булбули билан Бухоро булбули биргалашиб, ўзбек ва тожик халқ ашулаларини, «Шашмақом»дан парчаларни ўта завқланиб ижро этардиларки, гоҳо кунлар тунларга, тунлар эса субҳи саболарга уланиб кетарди; субҳи саболардан эса қўшиқ ёғдулари боғи роғларга, гўзалларнинг лоларанг чеҳрасию нозик табиатларига, гулзорларга таралиб кетарди...

Домла Ҳалим Ўзбекистон радиосида хизматда бўлди, у жуда кўп мумтоз ашулаларни ижро этиб, «оҳанг тасмалар»да ноёб мерос қилиб қолдирди. Мусиқий маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналаридан ҳисобланмиш «Насруллои», «Мўғилчаи дугоҳ», «Наврўзи сабо», «Қашқарчаи ушшоқ», «Ироқ», «Тўлқин»лар ҳали ҳам нафосат ошноларининг қалбини ром этиб, дилларига ҳузур бағишлаб, эл дардига малҳам бўлиб, олижаноб нияту орзу-умидларига пайванд бўлиб келмоқда.

Домла Ҳалимдан академик Юнус Ражабий, халқ артистлари ва композиторлар Толибжон Содиқов, Шариф Рамазонов, Дони Зокиров, Мардон Насимовлар ҳам чинакам баҳраманд бўлиб келганлар, устозлари даҳосидан нафосат қудратини эмганлар.

Таниқли мусиқашунос олима Е. Е. Романовская Домла Ҳалим Ибодов ижросидаги куй ва қўшиқларни ёзиб оларкан, хонанда репертуарининг ниҳоятда бойлигига, овоз диапазонининг жуда кенглигига қойил қолган эди. Италия, Германия, франциялик мутахассислар, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган санъат намояндалари ҳам ушбу қўшиқбардорнинг ижрочилик маҳоратига, турлича жилоларга бўйсуна оладиган сеҳрли овозига таҳсинлар ўқиган эдилар...

Домла Ҳалим элу юрт маданий ҳаётида рўй берган катта маъракаларда, маънавият аҳлининг йиғинларида, ижодкор-намояндаларнинг анжуманларида ҳамиша фаол қатнашиб келган эди. 1932 йилда республика санъат ходимлари қурултойида; 1936 йилда Ўзбекистон музика санъати намояндаларининг 1-республика конференциясида (жумҳурият композиторлар уюшмасининг таваллудияти ҳам шу билан боғлиқ); 1937 йилда эса I-ўзбек санъати ўн кунлиги (декадаси)да қатнашиб, санъат шайдоларини яна бир бор ўз овози, ижро маҳоратининг юксаклиги билан ҳайратда қолдирди, ўзи ижро этган беназир ашулалари билан қалбларга гўзаллик уруғини бисёр сочди.

Москвада бўлиб ўтган декада (ўн кунлик) унинг қатнашчиларида, шу жумладан Домла Ҳалим Ибодовда ҳам икки аснода таассурот қолдирди. Бири — ўзбек халқининг маданий тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқлари бўлса, иккинчиси — мана шу машъум 37-йилда, шахсга сиғиниш маломатлари ўта авж олиб, халқ бошига ёғилган туҳмат асорати бўлди. Худди мана шу пайтларда «халқ душмани», «миллатчи» ва ҳ.к. қора тамғалар неча-неча бегуноҳ эл фарзандларининг пок шаънига асоссиз урилиб, улар ҳибсларга олинди, қатағонларга дучор этилди. Бунингдек гайриинсоний қилмишлардан ҳамиша аҳли ижодкор ҳақида самимий ғамхўрлик қилиб келган Файзулло Хўжаев, Абдулрауф Фитрат сингари намояндалар ҳам четда қолмадилар — улар ҳам инсон ҳуқуқлари поймол этилган шевада ҳибсга олиниб, кўп ўтмайин маҳв этилдилар, ҳатто дафн этилган жойлари ҳам номаълумлигича қолиб келаверди...

ҲОФИЗ ОВОЗИНИНГ «КУМУШ» ЖАРАНГИ

Домла Ҳалим Ибодов жуда ҳам ўткир, ширали, ниҳоятда таъсирчан «тенор» овоз соҳиби эди. Ҳофиз овози ўрта регистрда ҳам, юқори регистрда ҳам бир хил зўр жаранг тортарди. У қариган чоғида ҳам ёш йигитдай авж пардаларни дадил ва бемалол оларди. Оврупо черковларидаги хорларда бунақанги овозларни сақлаб қолиш мақсадида хушрўй куйлайдиган ўғил болаларни пичиб қўйишдек ғайриинсоний қилмишларгача борганлар, худди шундай ҳолат Италияда ҳам азалдан юз бериб келган. Бундайлар «раста» чоғидан ҳам ўсмирлик палласидаги овозини сақлаб қолиб ўтаверган — уларни Шарқда «мода овоз» дея ҳам атаганлар... Аммо Домла Ҳалимга қариган чоғида ҳам навқирон йигитнинг овозидай хониш фазилатини яратганнинг ўзи юқтирган бўлиб, мисли кўрилмаган авж пардаларда «кумушжаранг» садоларни худди нафис биллур дурдоналардек атрофга сочарди. Бунда назм аҳли авж пардаларига «фалак тоқини ёриб ўтган» нисбатини берардилар. Масалан, ҳофиз санъатининг мафтуни бўлиб келган ғазалхон шоир Шукрий Андижондан туриб мана бундай мисралар битганди:

Овози фалак тоқига етди,
Парвози умри боқига етди...

Жаҳон хониш санъати, ижрочилик маданиятида бунингдек ҳодиса камдан-кам учрайди ва шундай иқтидорни Оллоҳ ҳаммага ҳам юқтиравермайди... Бундайлар тарихда бармоқ билан санарлидир, ана шундайлардан машҳур Мазинини ҳам, овозқайнар Булбул Мамедовни ҳам тилга олиш мумкин. Озор элининг булбули бўлган Мамедовни хорижларда, ҳатто Италияда ҳам билардилар. Ҳамон эсимизда, у бундан кўп йиллар аввал Тошкентдаги ҳашаматли заллардан бирида бир ўзи икки бўлимдан иборат ажойиб концерт берганида анчагина ёшларга бориб қолган эди, аммо овозининг жаранги «зангула»дек, яъни шўхликлар қилиб сакраётган кўзичоқнинг бўйнидаги кумуш кўнгироқчадек жаранг сочарди, авж пардалардаги товуш ёғдулари юзлаб заррачаларга бўлиниб кетган симоб томчисидек жилолар берарди...

Ҳа, биз ўзбеклар жуда ҳам камтарин халқмиз, бизнинг мавлуду масканимиз ҳам жаҳонга буюк нафосатгирларни бергани ҳақида гоҳо ўта тортиниб сўзлаймиз... Яқин-яқинларгача шўровий мафкура корчалонлари «ўзбекларда вокал мактаби бўлмаган эди, Октябрь инқилобига қадар уларда консерватория у ёқда турсин, мусиқа билим юртлари ҳам йўқ эди» дея, айюҳаннос солсалар ҳам мўмин-қобиллик билан бўйин эгиб турaверардик... Аслида эса бундай эмас, бу борада ҳам биз ўқ илдизи қадим-қадимларга қараб кетган буюк маданиятга эгадирмиз!.. Бизда ҳам хониш санъатининг ўзига хос халқ академиялари бўлган. 30-йилларда Тошкентга ташриф буюрган профессор Аспелюн Домла Ҳалим ижросида «Насруллои»ни тинглаганида, унинг ҳайратомуз овозига, юксак ижро маҳоратига қойил қолган. У «кимда-ким Домла Ҳалим консерваторияни тамомламаган деса, сира ишонманг, у ҳаёт дорилфунунини, халқ консерваториясини битирган, асрий музика маданиятининг чинакам билимдонларидан сабоқлар олган», деган эди. Машҳур Федор Шаляпин овози спектрининг умумий тебраниш процентидан 37 фоизини «кумуш» тебраниш ташкил қиларди. Жаҳонга довруг сочган хонандалардан Карузо ва Баттистини овозларидаги «кумуш» тебранишлар (русий-забонийлар «серебристость» дейдилар) ҳам шунча фоизни ташкил қилган. Биз Домла Ҳалим Ибодов ижросидаги мумтоз ашулаларни, қадимдан силсила тортиб келаётган «Шашмақом» намуналарини тинглар эканмиз, мана шундай ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Санъаткор азалий мусиқа меросимизни яхши биларди.

Ҳа, машҳур юртдошларимиз бўлмиш Ҳамроқул қори Ҳамрасул ўғли, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Левича Бобохон ўғли, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов сингари буюк ҳофизлар, беназир ижодкор-санъаткорлар бизларга ажойиб, бой ва сержило маданий-маънавий мерос қолдириб кетдилар. Бунингдек устод санъаткорларнинг ижро этган нодир асарлари, басталаган куйлари, юксак маҳорат мактаби, бамисоли туб-тагсиз улкан бир хазина; у умуминсоний қадриятлар жамғармасидан асл жойни эгаллаган бўлиб, бахтиёр авлодлар, санъату ижодиётни жони-дилдан эъзозлаб, севадиган халқимиз хизматида бўлиб келаётир. У қардошларимиз учун ҳам ибратомуздир, устодлар тарбиятидан тожикистонлик санъаткорлар ҳам баҳраманд бўлиб келганлар — бундайлар қаторида моҳир хонанда, ажойиб созандалардан Шоҳназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобов, Аҳмад Бобоқулов, Муллақандовлар ҳам бор.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар, Театр арбоблари уюшмаларининг аъзоси, республика халқ таълими аълочиси, маданиятшунос олим.

(Боши газетамиз ўтган сонларида).

Xullas...

БЕЗОР БЎЛГАН БЕЗОРИЛАР

«Чуллак» деган безорилар гуруҳи Чикагода хийла танилиб қолганди. Улар тунлари одамларни безовта қилиб мотоцикларда сайр этишар, шовқин-сурон кўтаришар, бўлар-бўлмасдан жанжал чиқаришар эди. Ҳатто, полициячилар ҳам уларни эплаёлмай қолганди.

«Чуллак»чилар ўз фаолияти билан бошқаларни ҳам «баҳраманд» этиш учун Лос-Анжелес шаҳрига ташриф буюришди. Бу ерда ҳам улар тезда танилиб улгуришди. Полиция маҳкамаларини Лос-Анжелесликларнинг «Чуллак»чилар устидан ёзган шикоятлари босиб кетди.

Ниҳоят, «Чуллак» гуруҳи Местеро деб номланган кичик бир шаҳарчада пайдо бўлишди, бироқ бу ернинг аҳолиси безорилар тўдасига заррача эътибор беришмади. Не-не шаҳарларни тавбасига таянтирган «Чуллак» Местерода нақ икки ой қолиб, бутун ҳунарларини ишга солишса-да бу ерликларнинг асабларига тегишолмади. Ҳеч ким уларнинг қилмишларидан нолиб идорама-идора югурмади. Охири безор бўлган безорилар шаҳар мэри қабулига кириб, Местеро уларга ёқиб қолганини, бутун қилмишлари товонига икки ой шаҳар фойдасига ишлаб беришмоқчи эканликларини айтишди...

НОРДОН ОЛМА ЕМАНГ

Олой бозорига Деновдан олма олиб келган отахон пештахтага ўз молини битта-битта артиб, териб қўяркан, ногоҳ кўзига ёш олди. Теваракдагилар ҳайрон. Ҳамма ажабланиб елка қисади.

— Нега йиғлаяпсиз, отахон? — деб сўради қаршисидаги анорфуруш таажжубланиб.

Отахон бир амаллаб кўз ёшларини артиб олди. Илжайди.

— Дунёнинг ишларини қаранг, — деди у ниҳоят тилга кириб, — минг бир ташвиш билан бўлиб, шу пайтгача олмаларимдан ўзим татиб кўрмаган эканман. Пештахтага териб қўя туриб биттасини шундоқ оғзимга солсам, қуримағур жуда нордон экан, кўзимдан ёш чиқиб кетди...

ҚОЧОҚ ҚЎЛГА ТУШДИ

Самонашвили бундан олти ой бурун Грузия Олий судининг мажлислар залидан, айни унинг устидан суд бўлаётган пайт, ҳожатга чиқиш баҳонасида йўлакка чиққан ва иккинчи қават деразасидан сакраб қочган эди. Мана, ниҳоят катта жиноятлар ижрочиси саналмиш бу қочоқ, узоқ қидирувдан сўнг яна қўлга олинди. Энг кизиғи шундаки, Самонашвили шу пайтгача Олий суд биносининг ертўласида яшириниб ётган экан...

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТ

Ниҳоят, миллионлаб футбол ишқибозлари орзиқиб кутган дақиқалар ҳам етиб келди. Ўтган ҳафта Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини Токиода японияликлар билан ўтказишди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган ўйинда ўзбекистонлик ўйинчилар 6:3 ҳисобида мағлуб бўлишди. Тўпларни ўйинчиларимиздан Олег Шашких (2), Андрей Федоровлар киритишди. Корея — Қозоғистон учрашувида эса кореяликлар 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

«МАЛИКА» КАСБИНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Спорт салтанатининг маликаси, ямайкалик 36 ёшли Мерлин Отти ўз касбини ўзгартирмоқчи бўлиб юрибди. Ҳозирги кунда ҳам Марлин 100 метрга югуриш бўйича дунёда энг етакчи чопқирлардан биридир. Унинг катта спортдан кетиб, бичиқчилик касби билан шуғулланишга жазм этганлигини кўпчилик маъқулламоқда.

МЕЗБОННИНГ ОДОБСИЗЛИГИ

«Африка—98» саралаш ўйинларининг навбатдаги учрашувида Камерун — Намибия терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Қизиғи ўйиндан кейин бўлди. Намибияликлар учрашув ниҳоясига етгач, меҳмонхона харажатларидан чўчиб, ўз ватанларига қайтиб кетишди. Бироқ, мезбонлар меҳмонлар иззат-ҳурматини жойига қўйиш, улар ташвишига шерик бўлиш лозимлиги тўғрисида ФИФА Низомида кўрсатилган эслатмаларни эсдан чиқариб қўйишди чамаси.

СПОРТЧИЛАР ЭЪЗОЗДА

Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида турли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилган спортчилар билан учрашув ўтказилди. Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов спортчиларни қўлга киритилган ажойиб ғалабалари билан қутлаб, уларга мукофотлар топширди.

АНДРЕЙ БАЙРОҒИ ИТАЛИЯДА...

Яқингинада «Фиоретина» жамоаси «Эвертон» (Англия) таркибидаги «Иккинчи Кантона» номини олган Андрей Канчелескисни 18,2 миллион доллар миқдорида сотиб олди. 26 ёшли россиялик юлдуз бу савдоси билан Россия футболчилари бозорининг энг олдинги ўрнига кўтарилди. Тўғри-да, сифатга яраша — баҳо!

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Луқмон БЎРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0596. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6